

**БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD.04/13.05.2020.Tib.93.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ

ГАФФОРОВА ВИСОЛА ФУРКАТОВНА

**ФЕБРИЛ ТУТҚАНОҚЛИ БОЛАЛАРДА РУҲИЙ, НУТҚИЙ
РИВОЖЛАНИШНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ: КЛИНИК ВА
ПАРАКЛИНИК ПАРАЛЕЛЛИК**

14.00.13–Неврология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

БУХОРО– 2021

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of dissertation abstract of the doctor of philosophy (PhD)

Гаффорова Висола Фуркатовна

Фебрил тутқаноқли болаларда руҳий, нутқий ривожланишнинг ўзига
хос хусусиятлари: клиник ва параклиник паралеллик3

Гаффорова Висола Фуркатовна

Особенности психо-речевого развития детей с фебрильными
судорогами: клиничко-параклинические параллели.....25

Gafforova Visola Furkatovna

Features of the psycho-speech development of children with febrile seizures:
clinical and paraclinical parallels.....49

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works52

**БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD.04/13.05.2020.Tib.93.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ

ГАФФОРОВА ВИСОЛА ФУРКАТОВНА

**ФЕБРИЛ ТУТҚАНОҚЛИ БОЛАЛАРДА РУҲИЙ, НУТҚИЙ
РИВОЖЛАНИШНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ: КЛИНИК ВА
ПАРАКЛИНИК ПАРАЛЕЛЛИК**

14.00.13–Неврология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

БУХОРО– 2021

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2021.3.PhD/Tib2113рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Бухоро давлат тиббиёт институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (Ўзбек, рус ва инглиз (резюме)) илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.bsmi.uz) ва «Ziyonet» ахборот-таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Ходжиева Дилбар Таджиевна
тиббиёт фанлари доктори

Расмий оппонентлар:

Мажидова Ёқутхон Набиевна
Тиббиёт фанлари доктори, профессор

Артикова Мавлюда Абдурахмановна
Тиббиёт фанлари доктори

Етакчи ташкилот:


Ивановский давлат тиббиёт академияси


Диссертация ҳимояси Бухоро давлат тиббиёт институти ҳузуридаги PhD.04/13.05.2020.Tib.93.02 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил «25» декабрь соат 14⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 200118, Бухоро шаҳри, Навоий кўчаси, 1-уй. Тел./факс: (99865) 223-00-50, Веб-сайт: www.bsmi.uz, e-mail: buhme@mail.ru).


Диссертация билан Бухоро давлат тиббиёт институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (№068 рақам билан рўйхатга олинган) (Манзил: 200118, Бухоро шаҳри, Навоий кўчаси, 1-уй. Тел./факс: (99865) 223-00-50, Веб-сайт: www.bsmi.uz, e-mail: buhme@mail.ru).

Диссертация автореферати 2021 йил «14» декабрь куни тарқатилган.
(2021 йил «14» декабрь даги RA20 рақамли реестр баённомаси)




Г.А. Ихтиярова
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор


С.С. Пулатов
Илмий даражалар берувчи берувчи илмий кенгаш илмий котиби, тиббиёт фанлари номзоди, доцент


Г.А. Ихтиярова
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD)диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунёда фебрил тутқаноқ (хуружлар, ФТ) замонавий педиатрия амалиётининг бугунги кундаги тез-тез учрайдиган пароксизмал ҳолати бўлиб ҳисобланади. Эпилептик хуружларнинг бу кўринишлари мактабгача бўлган болаларда нейроинфекция билан боғлиқ бўлмаган гипертермия натижасида юзага келади. Фебрил тутқаноқ «...яхши сифатли, беморнинг ёшига боғлиқ, генетик жиҳатдан детерминистик ҳолат бўлиб, бунда бош мия эпилептик хуружга мойил бўлиб, тананинг юқори ҳароратига жавоб сифатида пайдо бўлади...»¹. Мактабгача бўлган болаларда фебрил тутқаноқлар кўп ҳолларда транзитор бўлади, шунингдек баъзи эпилептик синдромларнинг таркибига ҳам кириши мумкин.

Фебрил тутқаноқ «...яхши сифатли, бемор ёшига боғлиқлиги, генетик жиҳатдан детерминистик ҳолат ҳисобланиб, бунда бош мия эпилептик хуружга мойиллиги туфайли, тананинг юқори ҳароратига жавоб сифатида пайдо бўлади...»¹

Жаҳон миқёсида, касалликнинг қиёсий ташхисоти ва даволаш алгоритмини ишлаб чиқиш учун фебрил тутқаноқли болаларнинг руҳий-нутқий ривожланишининг ўзига хос хусусиятларини ўрганиш бўйича бир қатор тадқиқотлар олиб борилмоқда. Тадқиқот натижаларининг аҳамиятли томони шундаки, фебрил тутқаноқларни афебрилга айлантириш, антиконвулсив терапияни тайинлаш зарурлиги ҳақидаги ишончли башоратловчи маълумотларни белгилаб беради. Фебрил тутқаноғи бўлган болаларда руҳий- нутқий ривожланишдан орқада қолиш даражасини аниқлаш қиёсий терапияни танлашда, атипик фебрил тутқаноқ бўлган болаларда когнитив танқисликни, шунингдек юқори хавфли болаларда афебрилга ўтишини олдини олиш учун уларни профилактикасини тўғри олиб боришга ёрдам беради. Фебрил тутқаноқли болаларда клиник-неврологик, руҳий-нутқий ва параклиник хусусиятлари ва улар кўрсаткичларининг корреляцион боғлиқлигини аниқлаш илмий тадқиқотлар ўтказиш аҳоли саломатлиги таминлаш учун ўта муҳим бўлиб ҳисобланади.

Бугунки кунда, мамлакатимизда соғлиқни сақлаш соҳаси тубдан янгиланди. Бугунги кунда ЎзР тиббиётидаги долзарб муаммо, касалликларга эрта ташхис қўйиш, шунингдек уларнинг асоратларини камайтириш бўйича даволаш чораларини ишлаб чиқиш ҳисобланади. Ҳозирги вақтда, «...2017 — 2021-йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясига кўра, мамлакат аҳолисига тиббий ёрдам кўрсатилишини янада яхшилаш кўзда тутилмоқда...»² Ҳозирги кунда, ечимини кутаётган биринчи даражали вазифа – тутқаноқ билан оғриган беморларга тиббий ёрдам кўрсатишнинг барча босқичларида ўз вақтида ташхисот, замонавий технологияларнинг қўлланишини кенгайтириш ҳисобига юқори малакали, сифатли тиббий ёрдам

кўрсатиш ҳисобланади, бу аҳолининг турли қатламларида ҳаёт сифатини ошириш имконини беради.

¹ Новиков А.Е., Бурцев Е.М., Шниткова Е.В. О причинах эпилептических припадков у детей первого года жизни //Ж. невропат, психиат. 2012. - №3. - С. 4 -6.

²Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 июндаги «Ўзбекистон Республикаси аҳолисига 2017–2021 йилларда ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ–3071-сон Қарори

Ушбу диссертация тадқиқоти маълум даражада, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017-йилнинг 7-февралдан “2017 — 2021-йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси” ПФ-4947-сон фармони, 2017-йилнинг 20-июнидан “Ўзбекистон Республикаси аҳолисига 2017 — 2021-йилларда ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3071-сон қарори, 2018-йил 7-декабридан “Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-5590-сон фармони, 2018-йил 30-августидан “Аҳолига неврологик ёрдам кўрсатишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3925-сон қарори, шунингдек ушбу соҳада қабул қилинган бошқа меъёрий-ҳужжатларда белгиланган вазифаларнинг бажарилишига хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Кўпгина ҳолатларда тутқаноқлар инсон ҳаётига хавф соладиган омил бўлиб ҳисобланади. Эпилепсия билан касалланган беморларда ўлим кўрсаткичини популяцияда 2-3 мартага оширади. Бироқ, эпилепсия ташхиси тасдиқланмаган айрим беморлар гуруҳи шунингдек кичик ёшдаги болалар тадқиқотга қамраб олинмаган. Эрта ёшдаги болаларда тутқаноқ хуружлари перинатал генездаги бош миёдаги органик ўзгаришларга, яъни жароҳат, генетик, миёнинг нуқсонлари инфекцион ва интоксикацион зараланишларга боғлиқ бўлади (Шомансуров Ш.Ш., 2019; Шарипов А.М., 2017; Гузева В.И. ва ҳаммуал., 2017).

Эпидемиологик текширувлар шуни кўрсатадики, эрта ёшдаги болаларда тутқаноқ хуружларининг тез-тез учраб туриши, бу оғир миё гипоксияси, метаболизмнинг генетик нуқсони, нерв тизимининг перинатал зарарланишига боғлиқ. Тутқаноқ синдроми нейроинфекцияда биринчи 3 кунда миёда диффуз носпецифик зарарланишига, миё шиши ва миё тўқимасининг ишемиясига ва миё нейронларининг ўчоқли зарарланишига олиб келади. Тутқаноқ синдроми 3 кундан сўнг миё паренхимаси ва қон томирларни зарарланишга олиб келади. Нейроинфекциянинг барча кечиш даражасида марказий асаб тизимида патологик жараённинг жойлашганлигини кўрсатиб берувчи омил бу ташхисотнинг нурли усули ҳисобланади. Болаларда инфекцион касалликлар эпилепсиянинг туртки

берувчи омили ҳисобланади. Бу ўз навбатида гипертермиянинг бўлиши, яллиғланиш олди цитокинларининг периферик қонда ошиши ва мия тўқимасида дисметаболик ўзгаришларнинг кузатилиши билан характерланади (Скрипченко Н.В., Кривошеев Е.М. ва ҳаммуалл., 2019). Тутқаноқ хуружларининг оилавий анамнезида бўлиши, паст тана ҳарорати бўлган текширувчиларга кузатилган, яъни анамнезида ёки қариндошларида фебрил тутқаноқнинг бўлмаганларга нисбатан кўп учраган. Тадқиқотчиларнинг маълумотларига кўра, тутқаноқ билан кечган касаллик жуда оғир кечиши ва унинг қайталаниши бу беморнинг ёшига боғлиқ ҳолда кечган. 13 ойгача тутқаноқ текширувчиларнинг ярмида қайталанади, 13 ойликдан 3 ёшгача бўлган болаларда (39%) тутқаноқлар такрорланди, 3 ёшдан кейин 10% болаларда кузатилди (Карлов В.А. ва ҳаммуалл., 2017).

Тутқаноқ синдромининг бошқа тарқалган этиологик факторларидан бири бош миянинг пре- ва перинатал зарарланиши бўлиб ҳисобланади. Маълумотларга кўра, 22% беморларда фебрил тутқаноқнинг келиб чиқиши ҳомилдорлик ва туғруққа боғлиқ. Янги туғилган чақалоқларда перинатал патология - 12%ни ташкил этади. Олимлар 5 ёшгача бўлган 615 нафар болаларда текширув олиб борганларида 21% болаларда чўзилган туғруқ, 75% да асфиксия, 4,3% беморларда киндикнинг ўралиш ҳолатлари кузатилган. Олимлар фебрил тутқаноқларнинг оилавий анамнез, ҳомилдорликнинг кечиши, туғруқ ҳолати, перинатал факторларга боғлиқлигини таъкидлаб ўтдилар. 24% болаларда оилавий анамнез муҳим рол ўйнади. 20% болаларда фебрил тутқаноқларда оилавий анамнез рол ўйнамади (К.Нельсон., Д.Элленберг., Fenichel G.M., et al. 2015). Касалликнинг келиб чиқишида аутосом-доминантлик ва полигенлик муҳим рол ўйнади. Япониялик олимлар беморларда фенотипик хусусиятлар иккита ген мутациясини α -1 Na⁺-канал SCN1A аниқладилар (Ito M., Nagafuji H., Okazawa H., Yamakawa K., et al. 2012). Фебрил тутқаноқларни бир нечта генетик ўзгаришлар билан боғлаш мумкин (Menkes J.H., Sarnat H.V., Maria V.L., et al. 2016).

Тадқиқотчиларнинг маълумотларига кўра, фебрил тутқаноқ эпилепсиянинг ривожланишида 19%, абсанларда – 21%, генераллашган эпилепсия фебрил хуружлар плюс (GEFS plus)– 50% атрофида, чакка эпилепсияси гиппокамп склерозиди (MTLE-HS) – камида 50% ҳолатларда учради. Россиялик олимларнинг таъкидлашича (2012), 1261 нафар беморда эпилептик хуружлар анамнезда турли хил этиологик омиллар ва оқибатида кечди. Бироқ фебрил тутқаноқнинг юқори учраш даражаси баъзи синдромларда: Драве синдромида - 50%, симптоматик фокал эпилепсия хуружларида 17,5% ҳолатларда учради (Dravet C., Bureau M., Oguni H. Severe., 2014). Фебрил тутқаноқлар борасида кўп сонли тадқиқотлар ўтказилганлигига қарамай, Биз томонимиздан ўтказилган тадқиқот усули юқоридаги муаммоларнинг ечилишида муҳим рол ўйнайди.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Ушбу диссертация иши Абу Али ибн Сино номидаги Бухоро давлат тиббиёт институтининг №03.2019.PhD .048 “Бухоро ҳудуди иссиқ иклими шароитида

организмнинг патология олди ва патологик ҳолатларини эрта ташхислаш, даволаш ва олдини олишга қаратилган янгича ёндашувларни ишлаб чиқиш (2017–2021 йй.)” мавзусидаги илмий-тадқиқот ишлари режаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади: фебрил тутқаноқли болаларда нутк бузилиши, рухий ривожланишнинг клинко-неврологик, нейрпсихологик ва параклиник хусусиятлари кўрсаткичларини ўзаро боғлиқлигини ўрганиш, ҳамда профилактик чора тадбирларини алгоритимини ишлаб чиқаришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

болалар орасида фебрил тутқаноқларнинг учраш даражасини ва уларнинг афебрилга ўтиш хавф омилларини аниқлаш;

фебрил тутқаноғи бўлган болаларда клиник-неврологик, рухий-нутқий ва параклиник хусусиятлари ва улар кўрсаткичларининг корреляцион боғлиқлигини аниқлаш;

фебрил тутқаноқларни афебрилга ўтиши ва ривожланиши учун хавф омилларини ташхислаш жадвали асосида олинган натижаларни тахлил қилиш;

фебрил тутқаноқларни афебрилга ўтиш хавфини олдини олиш, даволаш ва профилактик чора тадбирларини такомиллаштиришнинг алгоритимини ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти: Тадқиқот усули клиник-неврологик тахлилларга асосланган бўлиб, фебрил тутқаноқнинг клиник кўриниши, уларнинг қайталаниши, хавф омилларини аниқлаш учун 2016-2021 йилларда неврологик бўлимларда ва амбулатор шароитда даволанган, 6 ойликдан 5 ёшгача фебрил тутқаноғи бўлган 30 нафар бола назорат остига олинди. Назорат гуруҳида эса афебрил эпилепсияси бўлган 6 ойликдан 5 ёшгача бўлган 30 нафар бола олинди. Анамнезида фебрил тутқаноғи бўлган 60 нафар болада катамнестик текшириш усуллари ўтказилди.

Тадқиқотнинг предмети: Клиник-неврологик, нейрофизиологик, нейровизуал ҳамда нейрпсихологик текшириш усулларининг натижаларини ташкил этди.

Тадқиқотнинг усуллари: Илмий текширувни олиб бориш учун клиник-неврологик, нейрофизиологик, нейровизуализацион, нейрпсихологик ва статистик тадқиқот усулларидадан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги.

илк бор фебрил тутқаноқнинг болалар орасида учраш даражаси аниқланди;

клиник-неврологик, нейрофизиологик, нейровизуал натижаларига асосланиб, фебрил тутқаноқнинг учраш даражаси, тузилиши, хавф омиллари ва уларнинг афебрил ҳолатга ўтиши, ҳамда фебрил тутқаноғи бўлган болаларда рухий-нутқий ривожланишининг қиёсий жиҳатлари баҳоланди;

ирсий кўрсаткичлар асосида эпилепсия хавфини башоратлаш учун кўпгина логистик регрессни аниқлайдиган, бу фебрил хуружнинг фокал

табиати, неврологик статусдаги бузилишлар, бош мия МРТ ва ЭЭГдаги ўзгаришларни аниқлайдиган диагностик жадвал ишлаб чиқарилди;

илк бор олинган натижалар асосида, беморларни олиб бориш, фебрил тутқаноқнинг афебрил тутқаноққа ўтишининг профилактикасини ўрганиш, ҳамда антиконвулсив дори-воситаларининг даволашга бўлган эҳтиёжини аниқлаш алгоритми ишлаб чиқилди.

Тадқиқотнинг амалий натижалари.

Атипик фебрил тутқаноғи бўлган болалар эпилепсия хуружларини бартараф этиш учун неврология бўлимларида даволанишлари, типик фебрил тутқаноқлари бўлган бемор болалар эса амбулатор шароитида кузатув остида бўлишлари тавсия этилган;

атипик фебрил тутқаноғи бўлган бемор болаларда эпилептик статус мойиллиги бўлганда, ҳамда ЭЭГда эпилептик активлик бўлган бемор болаларни диспансер назоратга олиш зарурлиги кўрсатилган;

фебрил тутқаноқлари бўлган беморларни диспансер назоратига олиш даркор. Диспансер назоратига олишда фебрил тутқаноқнинг характери, эпилепсиянинг, фебрил тутқаноқнинг ирсийлиги аниқланган;

фебрил хуружларнинг профилактикасини яхшилаш мақсадида аҳоли, мактаб ва мактабгача таълим муассалари ходимларининг санитария саводхонлигини ошириш, умумтаълим муассалари, поликлиникалар ва ДПТ қабулхоналарининг тиббий хоналарини шошилинч ёрдам воситалари билан бойитиш мақсадга мувофиқлиги белгиланган;

тадқиқот натижаларига асосланиб, фебрил тутқаноғи бўлган болаларда тиббий ёрдам кўрсатиш стандартларини шакллантириш учун қўлланма бўлиб хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг ишончилиги тадқиқотларда бир-бирини тўлдирувчи олинган натижалар ва назарий методлар қўлланилиши, ўтказилган тадқиқотларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, текширилган беморларнинг етарли миқдори, чет эл ва мамлакатимизда ўтказилган тадқиқотларнинг солиштирилиши, шунингдек олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан берилган хулосалар билан тасдиқланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти ФТни афебрилга айлантириш, антиконвулсив терапияни тайинлаш зарурлиги ҳақидаги ишончли прогностик маълумотларни олишдан иборат. Фебрил тутқаноғи бўлган болаларда руҳий-нутқий ривожланишда орқада қолиш даражасини аниқлаш дифференциал терапиясини танлашда, атипик фебрил тутқаноқ бўлган болаларда когнитив танқисликни, шунингдек юқори хавfli болаларда афебрилга ўтишини олдини олиш учун уларни тўғри олиб бориш усулига ёрдам беради.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти, фебрил тутқаноғи бўлган болаларни ўз вақтида аниқлашдан иборат бўлиб, уларнинг афебрил ҳолатига ўтишига, ўз вақтида диспансер назоратига ўтишига, тутқаноқ хуружларининг табиати, эпилепсия ва фебрил хуружлар учун ирсий мойилликни ҳисобга олган ҳолда руҳий-нутқий бузилишларни бартараф

қилишдан иборат.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.

Фебрил тутқаноқли болаларда рухий, нутқий ривожланишнинг ўзигахос хусусиятлари: клиник ва параклиник паралеллик бўйича олинган илмий натижалар асосида қуйидагилар яратилди:

«Болаларда фебрил тутқаноқларда рухий-нутқий бузилишларни башоратлаш усуллари» услубий тавсияномаси (Соғлиқни Сақлаш Вазирлигининг 2021-йил 10 октябрдан №8н-р/932-сон хулосаси билан тасдиқланган.) Клиник-неврологик ҳолат ва рухий-нутқий ривожланиш даражасини комплекс ўрганиш асосида болаларнинг рухий-нутқий бузилишларига олиб келадиган хавф гуруҳини ажратиш учун прогностик мезонлар ишлаб чиқилди. Ушбу маълумотлар рухий-нутқий бузилишнинг учраш даражасини камайтиришга ва болаларнинг ҳаёт сифатини яхшилашга ёрдам беради;

«Рухий-нутқий бузилишларнинг эрта профилактикасини ҳисобга олган ҳолда фебрил тутқаноқли болаларни олиб бориш алгоритми» услубий тавсияномаси (Соғлиқни Сақлаш Вазирлигининг 2021-йил 10 октябрдан №8н-р/931-сон хулосаси билан тасдиқланган). Ушбу маълумотлар такрорий фебрил тутқаноқларнинг ривожланиш даражасини камайтиришга ёрдам беради ва эпилепсия терапиясининг самарадорлигини ошириш имконини беради;

Илмий ишнинг натижалари, Бухоро вилояти болалар кўп тармоқли тиббиёт маркази поликлиникаси, Жондор тумани кўп тармоқли тиббиёт бирлашмаси, ҳамда Тошкент шаҳридаги “Болажонмед” клиникаси амалиётига тадбиқ қилинган (Соғлиқни Сақлаш Вазирлигининг 2021-йил 26 октябр № 8н-р/387-сон хулосаси). Олинган натижаларни амалиётга киритилиши болаларда фебрил тутқаноқларни ташхислаш, афебрилга ўтиш йўллари олдани олиш, даволаш муддатини ва рухий-нутқий бузилишларни камайтириш имконини берди.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 9 та илмий-амалий анжуманларда, жумладан, 4 та халқаро ва 5 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 17 та илмий иш чоп этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 8 та мақола, жумладан, 6 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши. Диссертация таркиби кириш, бешта боб, хотима, хулосалар, амалий тавсиялар ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 120 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, текширув объекти ва предметлари аниқланган, Ўзбекистон Республикаси фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг ишончлилиги асосланган, уларнинг назарий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини соғлиқни сақлаш амалиётига жорий этилганлиги, апробация натижаси, нашр қилинган мақола, диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Болаларда фебрил тутқаноқнинг замонавий тасаввурлари (адабиётлар шарҳи)**» деб номланган биринчи бобида касалликнинг теоретик жиҳатлари, этиопатогенези, тизимлашган текширув усуллари, ҳамда фебрил тутқаноқнинг замонавий ташхисоти ва даволаш усуллари кенг ёритиб берилган. Адабиётлар шарҳи касалликнинг ечилмаган муаммоларини аниқлашда ҳамда уларни ўз вақтида ечишда муҳим рол ўйнади.

Диссертациясининг "**Клиник материалнинг хусусиятлари ва тадқиқот усуллари**" деб номланган иккинчи бобида клиник материал ва тадқиқот усуллари умумий хусусиятлари ҳамда олинган натижаларни статистик қайта ишлаш усуллари билан боғлиқ асосий масалалар муҳокама қилинган. Тадқиқот 2016-2020 йиллар давомида вилоят кўп тармоқли тиббиёт маркази ва Бухоро шаҳридаги хусусий неврология клиникаларида стационар ва амбулатор даволаниш учун қабул қилинган турли даражадаги ФТ билан касалланган 120 беморларининг клиник-неврологик, инструментал таҳлиллар натижасига асосланган. Рўйхатга олиш учун муаллиф томонидан сўровнома №1 ишлаб чиқилган (1-илова). Унда перинатал анамнез маълумотлари, ирсий омиллар (қариндошларида эпилепсия, фебрил тутқаноқнинг мавжудлиги), тутқаноқнинг юзага келиш сабаблари (температура, температура кўтарилиш даражаси, фон касаллиги, касалликлар частотаси), фебрил тутқаноқнинг табиати, частотаси ва унинг давомийлиги ҳақидаги маълумотлар, неврологик статус ва қўшимча текшириш усуллари (ЭЭГ, ЭЭГ-видео-мониторинг, МРТ) натижалари киритилган.

Болаларда тутқаноқ ҳолатларининг диагностикаси эпилепсия ва эпилептик синдромларнинг Халқаро таснифи бўйича тавсия этилган мезонларга мувофиқ амалга оширилган (1989).

Фебрил тутқаноқларнинг клиник характеристикалари, уларнинг қайталаниши ва афебрил кўринишга ўтиш хавф омилларини ўрганиш учун 01.01.2016-йилдан 01.01.2021-йилгача бўлган даврда неврология бўлимида даволанишда бўлган ва тадқиқотга киритиш мезонларига мос, 6 ойдан 5 ёшгача (ўртача ёш $3,4 \pm 1,15$) бўлган, фебрил тутқаноққа эга 60 нафар (35 нафар ўғил ва 25 нафар қиз болалар) боладан ташкил топган гуруҳ ажратилди. Беморларнинг ушбу гуруҳини, биз фебрил тутқаноқларнинг характерига кўра 3 кичик гуруҳларга ажратдик: 1-кичик гуруҳ – типик фебрил тутқаноққа эга, 6 ойдан 5 ёшгача (ўртача ёш $3,0 \pm 1,17$) 20 нафар (6 нафар қиз ва 14 нафар ўғил болалар) бола; 2-кичик гуруҳ – атипик фебрил

тутқаноққа эга, 6 ойдан 5 ёшгача (ўртача ёш $3,2\pm 1,06$) бўлган 20 нафар (8 нафар қиз ва 12 нафар ўғил болалар) бола; 3-кичик гуруҳ – афебрил тутқаноққа эга 6 ойдан 5 ёшгача (ўртача ёш $4\pm 1,03$) 20 нафар (8 нафар қиз ва 12 нафар ўғил болалар) бола.

Иккинчи босқичда: невролог кузатувида бўлган, анамнезида фебрил тутқаноқларга эга, 6 ёшдан 12 ёшгача (ўртача ёш $11,6\pm 2,35$) бўлган 60 нафар бола текширилди. Амбулатория шароитида клиник, электроэнцефалографик, нейрорадиологик текширувлар ўтказилди. Беморларнинг ушбу гуруҳи фебрил тутқаноқлар характери бўйича 2 кичик гуруҳларга ажратилди: 1-кичик гуруҳ – ФТ эпилепсияга ўтган, 6 ёшдан 12 ёшгача (ўртача ёш $1,11\pm 2,44$) бўлган 30 нафар бола (13 нафар қиз ва 17 нафар ўғил болалар); 2-кичик гуруҳ – атипик фебрил тутқаноқларга эга 6 ёшдан 12 ёшгача (ўртача ёш $12,07\pm 2,18$) бўлган 30 нафар (10 нафар қиз ва 20 нафар ўғил болалар) бола.

Кузатувимиз остида бўлган болаларнинг руҳий ривожланишини баҳолаш мақсадида фебрил тутқаноқ мавжуд 6 ёшгача бўлган болалар учун Денвер ривожланиш скрининг тестидан (ДРСТ) ва фебрил тутқаноқ оқибатлари мавжуд болалар учун, 5 ёшдан 15 ёш 11 ойликкача бўлган болаларнинг умумий конгнитив қобилятини баҳолашда, тадқиқот ва амалий мақсадларда ишлатиувчи Векслер шкаласидан (баҳолаш мезони) фойдаландик.

Нейрофизиологик текширишлардан бош мия электроэнцефалографияси (ЭЭГ), нейровизуал текширишлардан бош мия мультиспирал компютер томографияси (МСКТ) ва бош мия магнит-резонанс томографияси (МРТ) дан фойдаландик.

Олинган материалларни статистик қайта ишлаш тиббий-биологик тадқиқотлар учун мўлжалланган компютер ЭВМ иловаларидан фойдаланган ҳолда вариацион статистиканинг анъанавий усуллари билан амалга оширилди.

Диссертациянинг “Болаларда фебрил тутқаноқ: клиника, диагностика. Фебрил тутқаноқ қайталанишига олиб келувчи хавф омиллари” деб номланган учинчи бобида 6 ойдан 5 ёшгача бўлган 60 нафар болада олиб борилган текшириш натижаларининг таҳлили, фебрил тутқаноқларнинг ўзига хос клиник хусусиятлари, шунингдек, уларнинг қайталанишига олиб келувчи хавф омиллари баён қилинган. Болаларнинг ўртача ёши $3,4 \pm 1,15$ ни ташкил этди. Кичик гуруҳларга, шунингдек, жинс ва ёш хусусиятларига нисбатан батафсилроқ бўлиниш 1-жадвалда тасвирланган.

1- жадвал

Беморларнинг ёши ва жинси бўйича тақсимланиши

	ТФТ		АТФТ		АФТ	
	N=20	%	N=20	%	N=20	%
Жинс бўйича тақсимланиши						
Ўғиллар	14	70	12	60	9	45
Қизлар	6	30	8	40	11	55
Ёш бўйича тақсимланиши						
1 ёш	0	0	1	5	0	0
2 ёш	8	40	7	35	2	10
3 ёш	3	15	6	30	4	20
4 ёш	6	30	4	20	6	30
5 ёш	3	15	2	10	8	40

Асосий гуруҳда текширилган болалар орасида асосан 2-3 ёшли болалар қайд этилди. Шундай қилиб, масалан, типик фебрил тутқаноққа эга 55% атрофидаги болалар, АТФТ бўлган гуруҳда эса – 65% болалар шу ёш тоифасида бўлди. Бироқ афебрил тутқаноқ белгиланган гуруҳда, аксинча 4-5 ёшли болалар (70%) устунлик қилди, бу вақтда ТФТ ва АТФТ кузатилган гуруҳларда уларнинг сони мос равишда 45% ва 30% ни ташкил этди.

Генетик омиллар фебрил тутқаноқлар ривожланишида катта аҳамиятга эга.

Фебрил тутқаноқлар бўйича ирсий мойиллик кўпинча АТФТ кузатилган гуруҳда қайд этилди (35%). АФТ ва ТФТ гуруҳларида бу кўрсаткич мос равишда 20% ва 15% га тенг бўлди. Қариндошлик даражасига тўхталадиган бўлсак, асосан ирсий мойиллик биринчи шажара қариндошларида аниқланди. Афебрил тутқаноқлар бўйича ирсий мойиллик кўпроқ АФТ кузатилган гуруҳда аниқланди (40%), бу вақтда АТФТ ва ТФТ белгиланган гуруҳларда бу кўрсаткич мос равишда 25% ва 30% ни ташкил қилди. Қариндошлик даражасига тўхталадиган бўлсак, бу ҳолатда ирсий мойиллик биринчи шажара қариндошларда белгиланди.

2- жадвал

Фебрил тутқаноқнинг ирсийланиши

	ТФТ		АТФТ		АФТ	
	N=20	%	N=20	%	N=20	%
Қариндошларда фебрил тутқаноқлар						

Мавжуд эмас	17	85	13	65	16	80
Мавжуд	3	15	7	35	4	20
I шажара қариндошлар	3	15	4	20	3	15
II шажара қариндошлар	0	0	3	15	1	5
Қариндошларда афебрил тутқаноқлар						
Мавжуд эмас	14	70	15	75	12	60
Мавжуд	6	30	5	25	8	40
I шажара қариндошлар	6	30	2	10	5	25
II шажара қариндошлар	3	15	3	15	3	15

Фебрил тутқаноқ ривожланишида перинатал патология юқори аҳамиятга эга маркер ҳисобланиб, у фебрил тутқаноқнинг клиник намоён бўлиши ва уларнинг натижасига таъсир қилиши мумкин.

3- жадвал

Фебрил тутқаноқли болаларнинг перинатал анамнези

	ТФТ		АТФТ		АФТ	
	N=20	%	N= 20	%	N=20	%
Ҳомиладорликнинг кечуви						
Ижобий	12	60	9	45	5	25
Салбий	8	40	11	55	15	75
Гестоз	8	40	8	40	10	50
Ҳомиладорликнинг узилиш хавфи	0	0	3	15	5	25
ХФПЕ	0	0	0	0	3	15
Туғурук						
Ўз муддатида	14	70	15	75	13	65
Туғиш фаолиятининг заифлиги	3	15	2	10	4	20
Муддатидан илгари		0	2	10	2	10
Кесарча кесиш	3	15	1	5	1	5
Туғилган вақтда вазни, г						
2500-4500	15	75	14	70	14	70
2500 дан кам	3	15	3	15	4	20
4500 дан ортиқ	2	10	3	15	2	10

Ҳомиладорликнинг салбий кечиши кўпроқ афебрил тутқаноққа эга беморларда кузатилди – 75%, бунда оналарда кўпинча гестоз аниқланди (50%), бу вақтда ҳомиладорликнинг узилиш хавфи 25% оналарда қайд этилди: АТФТ га эга беморларда ҳомиладорлик кечувининг бузилиши 55% оналарда, гестоз устунлиги билан 40% болаларда, ҳомиладорликнинг узилиш хавфи 15% ҳолатда аниқланди. Ҳомиладорлик патологияси ФТ га эга болаларда энг кам аниқланди (40% ҳолатда) ва уларнинг барчаси гестоз билан намоён бўлди. Айтиб ўтиш лозимки, сурункали фетоплацентар етишмовчилик фақат АФТ га эга беморларда аниқланди (15%).

Биз болаларда фебрил тутқаноқларнинг ўзига хос хусусиятларини таҳлил қилдик.

4-жадвал

Болаларда фебрил тутқаноқларнинг ўзига хос хусусиятларини таҳлили.

	ТФТ		АТФТ		АФТ	
	N=20	%	N= 20	%	N=20	%
ФТ дебюти						
Бир ёшгача	6	30	5	25	4	20
1-3 ёш	11	55	14	70	16	80
3-5 ёш	3	15	1	5	0	0
ФТ хуружининг характери						
Генерализациялашган	20	100	16	80	12	60
Фокал	0	0	4	20	8	40
АФТ хуружининг характери						
Генерализациялашган		0		0	12	60
Фокал		0		0	8	40

Биз текширган 68,3% беморларда фебрил тутқаноқларнинг дебюти 1-3 ёшга тўғри келди, 25% беморларда фебрил хуружлар бир ёшгача бўлган даврда бошланди ва фақат 6,7% беморларда ФТ 3 ёшдан кейин бошланган. Бунда АФТ кузатилган гуруҳда, 3 ёшдан кейин тутқаноқлар бошланмаган. ТФТ кузатилган гуруҳда 30% болаларда ФТ 1 ёшгача бўлган муддатда бошланган. Аксарият болаларда (90%) хуружлар умумий кўринишга эга бўлди. Улардан 63,3% болалар умумий тоник-клоник хуружларга ва 13,3% и клоник хуружларга эга бўлди, 10% беморларда хуруж ҳолсизликдан бошланган.

Текширув давомида неврологик статусда бузилишлар текширилган болаларнинг 70% ида аниқланди. Невростатусда бузилишлар кўпроқ АФТ ва АТФТ гуруҳларида аниқланди (мос равишда 80% ва 75%), ТФТ кузатилган гуруҳда, ўчоқли симптоматика беморларнинг ярмидан ортиғида аниқланди.

Атипик фебрил хуружлар кузатилган гуруҳдаги болалар асосан вегетатив функциялар бузилишига шикоят қилди (55% ҳолатда). 40% болаларда рефлектор соҳада бузилишлар кузатилди. Ушбу гуруҳ беморларида юз нерви патологиясига, шунингдек ғилайлик (10%) ва нистагма (15%) кўринишида кўз ҳаракатидаги бузилишлар, дизартрия кўринишидаги булбар бузилишлар (10%) кўшилди, булардан ташқари 10% беморларда дискоординатор бузилишлар қайд этилди. Нутқий ва рухий-нутқий ривожланишдан ортда қолиш 25% болаларда кузатилди.

Биз бош миянинг ЭЭГ тадқиқотини ўтказдик, у одатда хуруж ҳолатидан сўнг камида 10 кундан кейин ўтказилди.

5-жадвал

ФТ ва АФТ ускунавий(ЭЭГ) текширув натижалари.

	ТФТ		АТФТ		АФТ	
	N= 20	%	N= 20	%	N= 20	%
ЭЭГ						

БЭА издан чиқиши	7	35	8	40	9	45
Альфа-ритм нотурғунлиги	11	55	10	50	14	70
Гиперсинхронизация		0	2	10	10	50

Электроэнцефалограммаларни визуал баҳолаш натижалари бўйича бош мияда биоэлектрик фаолликнинг издан чиқиши текширилган болаларнинг 40% ида аниқланган, кўп ҳолатларда у афебрил тутқаноқ кузатилган гуруҳда қайд этилди (45% болалар), бу вақтда ТФТ ва АТФТ гуруҳларида, мазкур бузилишлар мос равишда 35% ва 40% болаларда учради.

58,3% болаларда алфа-ритмнинг нотурғунлиги белгиланди. Бунда у ТФТ га эга болалар гуруҳида 55%, АТФТ га эга болалар гуруҳида болаларнинг ярмидан ортиғида, афебрил тутқаноқ кузатилган гуруҳда эса 70% ҳолатда қайд этилди.

ФТ га эга беморларда алфа-ритм баҳоланганида ҳеч қандай бузилишлар аниқланмади. Беморларда алфа-ритм ўртача $82,14 \pm 16,1$ мкВ (98 мкВ ва ундан ортиқ - 36%, 19 мкВ дан кам - у 6%) ни ташкил этди.

Диссертациянинг “**Фебрил тутқаноқлар оқибати ва уларнинг синдромологик хусусиятлари (катамнестик кузатишлар). Фебрил тутқаноқни афебрил/эпилепсияга трансформациясига олиб келувчи хавф омиллар**” деб номланган тўртинчи бобида анамнезида фебрил тутқаноқ аниқланган 6 ёшдан 12 ёшгача (ўртача ёш $11,6 \pm 2,35$) бўлган 60 нафар бола текширилди. Амбулатория шароитида клиник, электроэнцефалографик, нейрорадиологик текширувлар ўтказилди. Беморларнинг ушбу гуруҳи фебрил тутқаноқлар характери бўйича ц кичик гуруҳларга ажратилди: 1-кичик гуруҳ – ФТ эпилепсияга ўтган, 8 ёшдан 15 ёшгача (ўртача ёш $1,11 \pm 2,44$) бўлган 30 нафар бола (13 нафар қиз ва 17 нафар ўғил болалар); 2-кичик гуруҳ – ФТ 8 ёшдан 15 ёшгача (ўртача ёш $12,07 \pm 2,18$) бўлган 30 нафар (10 нафар қиз ва 20 нафар ўғил болалар) бола.

6-жадвал

Анамнезида ФТ кузатилган болаларни ёш ва жинсга боғлиқ кўрсаткичлари.

	Асосий гуруҳ ФТЭ		Таққослаш гуруҳи ФТБ	
	N= 30	%	N= 30	%
Ёшга кўра				
8–9 ёш	14	46,7	4	13,3
10–11 ёш	5	16,7	7	23,3
12–13 ёш	4	13,3	7	23,3
14–15 ёш	7	20	12	40
Жинсга кўра				
Ўғил болалар	17	56,7	21	70
Қизлар	13	43,3	9	30

Жами текширилган беморлар орасида ўғил болалар ишончли кўпчиликни ташкил қилди (63,3%), бунда агар таққослаш гуруҳида ўғил

болалар ва қиз болалар мос равишда 70% ва 30% бўлса, унда асосий гуруҳда фарқ камроқ ифодаланди (56,7% ўғил болалар ва 43,3% қиз болалар).

Генетика омиллар фебрил тутқаноқлар ва эпилепсия ривожланишида катта аҳамиятга эга.

7-жадвал

Анамнезида ФТ кузатилган болаларни оилавий анамнези

	Асосий гуруҳ ФТЭ		Таққослаш гуруҳи ФТБ	
	N= 30	%	N= 30	%
Қариндошларда фебрил тутқаноқлар кузатилганлар				
Мавжуд эмас	21	70	24	80
Мавжуд	9	30	6	20
I шажара қариндошлар	6	20	4	13,3
II шажара қариндошлар	3	10	2	6,7
Қариндошларда афебрил тутқаноқлар кузатилганлар				
Мавжуд эмас	19	63,3	28	93,33
Мавжуд	11	36,7	2	6,7
I шажара қариндошлар	7	23,33	1	3,3
II шажара қариндошлар	4	13,3	1	3,3

Фебрил тутқаноқлар бўйича ирсий оғирлашув ҳолати кўпинча асосий гуруҳда аниқланди (30%), бу вақтда таққослаш гуруҳида бу кўрсаткич 20% га тенг бўлди. Қариндошликка тўхталадиган бўлсак, иккала гуруҳда ҳам асосан ирсий оғирлик ҳолати биринчи шажара қариндошларда кузатилди (20% асосий ва 13,3% таққослаш гуруҳида). Афебрил тутқаноқлар бўйича ирсий оғирлашиш ҳолатлари асосий гуруҳда устунлик қилди (36,7%), бу вақтда касаллик ижобий яқунланган гуруҳда бу кўрсаткич 30% дан кам бўлиб, бор йўғи 6,7% га тенг бўлди. Қариндошлик даражаси бўйича, ушбу ҳолатда ирсий оғирлик шунингдек биринчи шажара қариндошларда кўпроқ аниқланди.

Фебрил тутқаноқлар такрорланиш эҳтимолининг ортишига олиб келувчи омилларга ФТ нинг клиник суръати, шунингдек унинг кейинги ўзгаришларига таъсир қилиши мумкин бўлган перинатал патология киради.

8-жадвал

Анамнезида ФТ кузатилган болаларнинг перинатал анамнези

	Асосий гуруҳ ФТЭ		Таққослаш гуруҳи ФТБ	
	N= 30	%	N= 30	%
Ҳомиладорлик даврида				
Ижобий	9	30	16	53,3
Салбий	21	70	14	46,7
Гестоз	16	53,3	11	36,7
Ҳомиладорликнинг узилиш хавфи	9	30	2	6,7
ХФПЕ	7	23,3	1	3,3
Туғурук				

Ўз муддатида	19	63,3	22	73,3
Туғиш фаолиятининг заифлиги	8	26,7	4	13,3
Муддатидан илгари	2	6,7	3	10
Кесарча кесиш	1	3,3	1	3,3

Антенатал даврдаги бузилишлар эпилепсияга эга беморларда жуда кўп кузатилди – 70%, бунда оналарда кўпроқ гестоз аниқланди (53,3%), ҳомиладорликнинг узилиш хавфи эса 30% оналарда қайд этилди. Айтиб ўтиш зарурки, сурункали фетоплацентар етишмовчилик асосий гуруҳда 23,3% ҳолатда аниқланди. Таққослаш гуруҳи беморларида антенатал даврдаги бузилишлар 46,7% ҳолатда, оналарда гестоз хавфи 36,7% ҳолатда, ҳомиладорликнинг узилиш хавфи 6,7% ҳолатда белгиланди. Бир беморнинг онасида (3,3% ҳолат) сурункали фетоплацентар етишмовчилик аниқланди.

Туғуруқларнинг кечувига тўхталадиган бўлсак, бу ҳолатда ўрганилган беморларнинг 68,3% ида туғуруқлар физиологик, ўз муддатида амалга ошган. Кўпинча туғруқ фаолиятида заифлик учради, бироқ гуруҳлар ўртасида аҳамиятли фарқлар топилмади, асосий гуруҳда 26,7% ҳолатда, таққослаш гуруҳида эса 2 марта кам кузатилди.

Биз болаларда фебрил тутқаноқ дебютининг тавсифини таҳлил қилдик.

9-жадвал

Болаларда фебрил тутқаноқ дебютининг тавсифини таҳлили.

	Асосий гуруҳ ФТЭ		Таққослаш гуруҳи ФТБ	
	N= 30	%	N= 30	%
Дебют				
6 ой. - 1 ёш	11	36,7	10	33,3
1–3 ёш	14	46,7	17	56,7
3–5 ёш	5	16,7	3	10
Хуружнинг характери				
Умумий	4	13,3	24	80
Фок. ком. билан умумий	23	76,7	5	16,7
Фокал	3	10	1	3,3
Хуружлар сони				
1–2 марта	13	43,3	27	90
3–4 марта	12	40	3	10
4 мартадан ортиқ	5	16,7	0	0

Биз текширган болаларнинг 51,7% ида фебрил тутқаноқлар дебюти 1-3 ёшга тўғри келди, 35% ида фебрил хуружлар бир ёшдан бошланди, ҳамда фақат 13,3% болаларда ФТ 3 ёшдан кейин бошланган. Бунда асосий гуруҳ ва таққослаш гуруҳи ўртасида фарқни биз кузатмадик. Хуружлар характери бўйича, айтиш мумкинки, бу ерда гуруҳлар орасида фарқ қайд этилди. Асосий гуруҳда фокал компонентли умумий хуружлар устунлик қилди (76,7%), бунда фақат умумий ва фокал хуружлар тахминан тенг миқдорда аниқланди (мос равишда 13,3% ва 10%). Таққослаш гуруҳида, аксинча,

умумий хуружлар устунлик қилди (80% болалар), фокал компонент билан умумий ва фокал хуружлар мос равишда 16,7% ва 3,3% га тенг бўлди.

Таққослаш гуруҳида хуружлар 90% ҳолатда фақат 1-2 марта юзага келганлиги ва 4 мартадан ортиқ кузатилмаганлиги, бу вақтда эса асосий гуруҳ болаларида 40% ҳолатда хуружлар 3-4 марта такрорлангани, 16,7% болаларда эса хуружлар 4 мартадан ортиқ такрорланганлиги эътиборли бўлди.

Неврологик статус ўрганилганида неврологик статусда бузилишлар текширилган беморларнинг 61,7% ида аниқланди. Невростатусда бузилишлар асосий гуруҳда кўпроқ аниқланди (96,7%), таққослаш гуруҳида, ўчоқли симптоматика кўпроқ аниқланди, 26% дан ортиқ беморларда.

Таққослаш гуруҳида неврологик статус баҳоланганида кўпроқ ёйилган майда ўчоқли, вегетатив бузилишлар кўринишидаги симптоматика аниқланди, 11 нафар (36,7%) болада, улар кўп терлаш ва тери қопламалари рангининг ўзгариши кўринишида намоён бўлди. 7 нафар (23,3%) болада пай рефлексларининг ортиши кузатилди. Бурун-лаб қатламининг силлиқланиши ва юз асимметрияси кўринишидаги бош мия бузилишлари – текширилган болаларнинг 13,3% ида аниқланди. Нутқий ва психик-нутқий ривожланишда кечикиш 63,3% болада кузатилди.

Невростатуснинг бузилишлари кўпроқ асосий гуруҳдаги болаларда аниқланди. Юқорида келтирилган гуруҳдаги каби, болаларда энг кўп вегетатив дисфункция ва рефлексор соҳа бузилиши учради (мос равишда 70% ва 66,7%), бироқ мазкур гуруҳда, нутқий ва психик-нутқий ривожланишда кечикиш биринчи ўринга чиқди, у 86,7% болаларда қайд этилди. Шунингдек мазкур гуруҳдаги болаларда юз асимметрияси (36,7% болалар) ва бурун-лаб қатламининг силлиқланиши (текширилганларнинг 40% и) кўринишидаги юз нерви патологиялари, шунингдек ғилайлик (13%), нистагм (13%) ва птоз (6,7%) кўринишидаги кўз ҳаракатида бузилишлар ҳамда дизартрия (26,7%) кўринишидаги булбар бузилишларга гиперкинезлар (текширилган болаларнинг 30% и) ва патологик рефлекслар (16,7%) қўшилди, координациянинг бузилиши 15% болаларда қайд этилди.

Электроэнцефалография натижаларининг таҳлили бош миянинг биоэлектрик фаоллигидаги ўзгаришлар таққослаш гуруҳидаги (10%) беморларга қараганда, асосий гуруҳдаги болаларда ишончли кўп учраганлигини ($P < 0,001$) кўрсатди.

